

«Ер юзидаги барча тирик мавжудотлар вақтдан кўради, вақт-нинг ўзи эса - пирамидалардан», деган ибора бор. Дарҳақиқат, канча сувлар оқиб ўтмасин, канча асрлар ҳукмронлик қилмасин, бахайбат тошли осори атикалар хали ҳамон илк давридагидай Ер юзида савлат тўкиб турибди. Ва ханузгача улар инсоният учун жумбоқлигича қолмоқда. Баъзилар уларни ўтмиш цивилизацияларининг яширин номалари, яна бирлари пирамидаларни ўзга сайёраликларнинг «ижод махсули» дейишса, қолганлар ушбу улкан мўъжизаларнинг пайдо бўлиш тарихини афсонавий Атлантида билан боғлашга ҳаракат қилишади.

Ҳўш, мазкур тахминларнинг қай бири ҳақиқатга яқин? Қелинг, ҳаммасини бир бошдан бошлайлик.

### **Миср сир-асрори**

Узоқ пайтлар давомида бу хайратланарли қурилмалар тсивилизатсияси милоддан аввалги ИИИ асрдан И асргача давом этган қадимги мисрликлар томонидан барпо этилган деб расмий равишда таъкидланиб келинади. Эндиликда эса мазкур нуқтаи назар қўплаб мутахассисларда жиддий шубҳаларни уйғотмоқда. Негаки, бу катта харсанг тошлар бир-бирига шунчалик мукамал ётқизилганки, уларнинг орасига тиг ҳам қирмайди, энг катта Хеопс пирамидасининг қирралари дунё томонларига тўғрилаб 0,1 фоиз аниқлик билан қурилган.

Тадқиқотчилар фикрича, оддий инсонларнинг бунчалик аниқлик билан иншоотларни қуришига ишониш қийин. Шунинг учун ҳозирда илгари сурилаётган илмий фаразларнинг бирига кўра, пирамидалар Ер юзида 8-10 минг йил олдинги юкори даражада тараккий этган тсивилизатсия даврида қад кўтарган. Эътиборлиси, фаразларга кўра, ўша даврда Миср саҳроси иклими нам тропик ўлка бўлган ва мазкур ҳудудда ёмғир жуда кўп ёккан. Юкоридаги тахмин олимларнинг синчковликлари туфайли вужудга келган: улар Буюк сфинксда одатда шаррос ёмғирлар натижасида юзага келадиган вертикал емирилиш ҳолати (эрозия)ни пайқашган, шамол ва қум таъсирида эса горизонтал нураш қузатилади.

Юкоридаги назарий фаразни далилловчи яна бир муҳим жиҳат бор: пирамидалар водийсининг космосдаги фотосуратида тадқиқотчилар иккинчи сфинкснинг сиртки кўринишини аниқлашга муваффақ бўлдилар - у биринчисининг рўпарасида қад ростлаган бўлиб, бутунлай тупроқ остида қолган. Мутахассислар зодагон аёл сиймосини ўзида ифодалаган дея тахмин қилинаётган ушбу қурилиш намунаси узоқ ўтмишда қулаган бўлиши керак. Тахминларга қазиниш ишлари яқунланганидан сўнг аниқлик қиритилади дейилади астролаб.су сайтида.

### **Хитой пирамидалари**

«Биз уларга шарқий томондан яқинлашдик ва шимолий тарафда қад ростлаган учта йирик пирамидани кўрдик, қолганлари эса навбатма-навбат ҳажман қичрайган ҳолда

курулган бўлиб, энг пасти жанубий қисмда эди. Улар хайдалган ерлар ва кишлоклардан баланд юксалиб, текисликда 6-8 мил (44-58 км.) худудгача чўзилган.

Энг улкан пирамида баландлиги тахминан 1000 футга тенг эди (бу 3000 метрга якин, яъни Хеопс пирамидасидан деярли икки баробар баланд дегани).

Хитой пирамидасининг тўрт тарафи компас нукталарига мос равишда аниклик билан мувофиқлаштирилган холда хар бир кирраси дунё тарафларини кўрсатади. Қора ранг шимолни, кўкимтир яшил - шаркни, кизил - жанубни ва оқ ранг - гарбни билдирган. Унинг юкори қисмига сарик тупрок сепилган, четларида эса қачонлардир тепага элтувчи зиналар бўлган.

«Ушбу ажойиб манзарани кўрганимда нафасим ичимга тикилиб қолгандай бўлди. Биз пирамидаларга кириш йўлини топиш мақсадида уларни айланиб чиқдик, аммо уринишларимиз зоё кетди. Таржимондан пирамидаларнинг «ёши» тўгрисида сўраганимда у «Хаттоки 5 минг йил олдинги ўтмишимизнинг энг қадимий манбаларида улар кўхна пирамидалар сифатида тилга олинган», деб жавоб берди.

Ўтган асрнинг бошларида Монғолия ва Хитой чегарасини кесиб ўтаётган авс-тралиялик савдогар Фред Шродер Чин ўлкаси пирамидаларини худди шундай таърифлаганди.

Европаликлар Хитойда еттита пирамида борлигидан космосда суратга олиш имкони тугилган даврда, аникроги, XX асрнинг ўрталарига келибгина хабар топишди. Ана шунда улар Чин мамлакатининг қадимий пойтахти Циан Фу яқинида қад кўтарган хайбатли «тош мўжизаларини» кўришга муваффақ бўлишган. Кейинчалик Янги зеландиялик учувчи томонидан топилган Фред Шродернинг кундалиқлари ва мақоласи яхлит харсанг тошлардан барпо этилган қурилмаларга яна жамоатчилик кизикишининг ортишига сабаб бўлди. Хозирда Хитой ҳукумати бирорта ҳам тирик жонзот ушбу худудларга якин йўламаслигини қаттиқ назорат қилади. Яна бир қизик маълумот: мамлакатнинг сунъий йўлдошларни орбитага элтувчи ракеталарни учуриш майдончаси пирамидалар мажмуига якин жойлашган. Мутахассисларнинг фикрича, бу бежизга эмас.

### «Фиръавнлар қарғиши»

«Миср ҳукмдорининг мақбарасига қирган хар бир одам ўзини ўлимга маҳкум этади» қабри ваҳимали ва машъум гап-сўзлар ўтган асрдаги археологик топилмалардан сўнг, айниқса, кенг тарқала бошлаган. Хар холда 1922 йили инглиз тадқиқотчиси Говард Картер томонидан топилган фиръавн бола - Тутанхамон даҳмасига айнан шу «Фиръавнлар қарғиши» номи берилган. Ўшанда илмий экспедициянинг кўплаб иштирокчилари (20 нафардан ортиги) сағанадаги ишлардан сўнг сирли холатларда бирин-кетин ҳалок бўлишган. Ҳукмдорлар қарғиши фақат Говард Картерга тегаган, холос, сабаби 1930 йилга келиб экспедиция қатнашчиларидан биргина у ҳали ҳаёт эди.

Шундан сўнг, пирамидалар ҳақида бир биридан ваҳимали афсоналар тўқила бошланди. Бирок 1962 йилнинг -ноябр ойида Кохира университетининг биология ва медитсина бўйича профессори Азизиддин Таха пирамидаларни қазиб ишларида иштирок этган

одамларда нафас олиш йўллари яллигланишини келтириб чиқарувчи вирус аникланганлигини маълум килди. Фиръавнлар мўмиёларини текширувдан ўтказгач эса, бу турдаги яна кўплаб бактерияларни топди, дарвоқе, унинг фикрича, ушбу замбуругларнинг баъзилари 4 минг йилгача ҳам умргузаронлик қилиши мумкин экан. Тадқиқотлардан сўнг олим «фиръавнлар қаргиши»га осонликча антибиотиклар ёрдамида барҳам бериш мумкинлигини ишонч билан айтди. Вирус нега битта Говард Картерга таъсир этмай қолган, деган саволга у қуйидагича жавоб берди: «Бу тадқиқотчи ҳаммадан ҳам кўп вақтини пирамидалар қад ростлаган Хукмдорлар водийсида ўтказган. Археологик қазилма ишлари давомида у бошқаларга нисбатан ўша ердаги ҳаводан кўпроқ нафас олган, шу сабаб унинг организмида аста-секинлик билан бактерияга қарши мус-тахкам иммунитет шаклланган».

Марказий Африкадаги Порт-Элизабет шифохонасида фаолият юритган тиббиёт олими Жоффри Дин кўп сонли ўлим ҳолатларига олиб келган вазиятнинг сабаби кўршапалак чиқиндилари қилиши натижасида пайдо бўлган захарли замбуруг қанғида эканлигини айтган. Бундай ҳулосага қелишга туртки бўлган воқеа шундай рўй берганди: шифокор ишлайдиган касалхонага қитъа қорларидидаги кўршапалак чиқиндиларини ўрганаётган геолог Жон Уилз оғир аҳволда олиб қелинади. Доктор Дин олдин ҳам бу каби ҳолатларга дуч келганди, чунки Жанубий Америкада инк қабилалари яшаган қорларни ўрганишда тадқиқотчиларда Жон Уилзда қузатилган касаллик белгилари бўлган. Ўшанда беморларда касалликни келтириб чиқарувчи ва кўршапалаклар чиқиндиларида бўладиган гистоплазмалик вируси аникланган. Шу тариқа, 1956 йили Жоффри Дин бу касалликка «қор қасталиги» номини берди, бу йўл билан «фиръавнлар қаргиши» воқеасига нукта қўйишга ҳаракат қилди. Айтганча, Жон Уилзни у охири-оқибат соғайтириб юборди, шунингдек, мингйиллик тарихга эга касалликни ҳам илмий асослаб берган дастлабки инсонлардан бирига айланди.

Улардан ташқари қатор мутахассислар қадимда мисрликлар ўзларининг муқаддас қадамжолари, яъни мақбараларга қилиб, уларни таққирлайдиган инсонларга қарши радиоактив ва бошқа шу каби турли токсинлар (захарли моддалар) ишлаб чиққанлиги ҳақида гапиришдан қарчашмайди. Мазкур мавзуга бағишланган юзлаб, минглаб илмий тадқиқот ишлари мунтазам равишда эълон қилиниб борилади. Қизиги шундаки, сўнги пайтларда пирамидалар умуман Миср ҳукмдорларини дафн этиш мақсадида қурилмаган деган қарашлар пайдо бўла бошлади. Аммо бунга бироз қейинроқ тўхталамиз.

## **Машъум Бермуд**

Ҳабарингиз бор, узок пайтлардан буён олимлар Бермуд учбурчаги, деб номланган ҳудудда қема ва самолётларнинг қойиб бўлиши ҳодисасига жўяли бир изох топиб беришолмаяпти. Вақоланки, XX аср иккинчи ярмининг ўзида бу фалокатли жойда 1000 нафардан ортиқ инсон ҳалок бўлгани тўғрисида маълумотлар бор (ёурёга.орг веб саҳифаси). Аҳвол ҳаттоки ўтган асрнинг 90-йилларида АКШ гидрологик қемасида олиб қорилган изланишлар давомида «учбурчак» тубида улқан пирамида топилганидан сўнг ҳам ўзгармади. Ҳа, ҳа, ажабланманг. Ушбу қурилма ҳажмига қўра Хеопс пирамидасидан ўч қаробар қатта, унинг қетлари шиша ёки сайқалланган сополга ўхшаш материалдан ясалган. Энг қайратланарлиси, пирамида қирралари океан тубидаги объектга ҳос

бўлмаган тарзда пишик, равшан ва силлик. У энг замонавий ускуналар ёрдамида текширилганда эса, юзасида бирорта хам чигир (юк кўтарадиган энг содда галтакли курилма)лар, ажралувчи кисмлар ёки ёриклар топилмаган. Худдики, пирамида бир бутун яхлит харсанг тошдан ясалгандек.

«Учбурчакли курилмалар иши» билан жиддий шугулланишга қарор қилган олимлар 2003 йилда океан тубида яна иккита сирли пирамида шаклидаги иншоотларга дуч келишган. Океанограф Верлаг Маер махсус аппаратура ёрдамида улар шишасимон моддадан ташкил топганини аниқлашга муваффақ бўлди. Хажман ушбу сув ости пирамидалари Ер устидагилардан бир неча баробар катта бўлса-да, ҳозирги тахминларга кўра, 500 йилдан кўп бўлмаган тарихга эга. Уларни ким ва нима учун қургани инсониятнинг очилмаган сирларидан бири бўлиб қолмоқда. Фақат бир нарсани аниқ айтиш мумкин: бу пирамидалар ерликларга ҳозирча номаълум технологиялар асосида қурилган.

Есореитер.фрс сайтида ёзилишича, бир неча йил олдин АКШнинг денгиз харбий кидирув хизмати Бермуд учбурчаги худудида сувдан кўтарилаётган НУЖлар кўп қузатилишини маълум қилди. Бунда олдин бир неча метр диаметрдаги газли яримсфера ҳосил бўлади. Унинг орасидан номаълум жисм чиқиб парвоз қилади. Аслида Бермуд учбурчагидаги гайритабиийлик хусусият (аномалия)лари сув остида ишлаб турган кучли энергетик мажмуа туфайли қузатилгани эҳтимолдан холи эмас. Бу фикр хам мутахассислар илгари сураётган тахминлардан биридир. Ҳозиргача мазкур ҳолат бўйича минглаб фаразлар ўртага ташланади, худуддаги аномал ҳодисалар борасида ҳар қандай маълумот ўта махфий ҳисобланиб, эълон қилинмайди. АКШ харбий кучлари бу тушунарсиз объектларни қузатишда бир сония бўлса-да тўхтагани йўқ. Шунга қарамай, «машъум учбурчак»нинг сирига бироз бўлса хам ойдинлик киритишга эришилди, деган қатъий далиллар берилмаяпти.

### **Янги тамаддун қуртагими бу?...**

«Пирамидалар - бу фиръавнлар макбаралари». Мазкур тушунчага биз тарих дарсларидан, саёхат маърузаларидан, умумқабул қилинган илмий назарияга таянган ҳолда эга бўлганмиз. Бирок улкан харсанг тошдан барпо этилган иншоотлар умуман бошқа мақсадларда қурилган бўлса-чи? Мана, масалан, Россия Илмий тадқиқотлар миллий институти ходими Андрей Вержбитский пирамидаларни қуришдан қўзланган мақсад йўлдошли антеннани яратиш муддаоси билан бир хил, дея таъкидлайди:

- Мазкур ускуналарнинг ишлаш тамойили мантиқан бир-бирига жуда ўхшаш, - дейди у. - Тарихчи олимларга тушунарсиз бўлган пирамидаларнинг ичидаги бўлмалар, дафн хоналари ва гўёки яна бошқа турдаги кўмиш маросими учун мўлжалланган иншоотлар аслида катта хажмдаги тўлқин узаткич, шлейф, улкан резонатор, филтрлар хамда юқори частотали техникада қўлланиладиган бошқа жихозлардир.

Тадқиқотчи шу билан ўз фикрини яқунламади. У пирамидалар улкан сайёралараро алоқа тизимининг ташкилий кисми бўлганлиги ва улар бошқа сайёрада жойлашган худди шунга ўхшаш «терминал» билан боғланган, деган фаразни хам ўртага ташламоқда. Негаки, олис космос учун ишлаётган антенналар учун пирамида шакли муҳандислик нуктаи

назаридан олинган ўта ақлли қарордир. Мулоқот пункти вазифасини эса «дафн хонаси» ўтайди: космосдан келаётган сигнални тушуниш учун унга кириб, макбара деб ўйланаётган тошли қутига ётишнинг ўзи кифоя. Ана шунда ўзга сайёрадан юборилаётган «нома»ларни худди шундай узаткич ёрдамида қабул қилиш мумкин.

Ақлбовар қилмас гапга ўхшайди, тўғрими? Аммо қим билсин, эҳтимол, у ҳақдир. Балки, айни дамда ҳам қўхна «учбурчак мўжизалар» - пирамидалар ичида Ер сайёрасидаги инсонлар қаби бошқа заминда ҳам ҳаёт кечираётган онгли мавжудотларнинг овози янграётгандир?..

Наргиза Иброҳимова